

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 80 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида

Тижорат банкларнинг инвестициявий фаолиятини кенгайтиришни янада рағбатлантириш, уларни ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиёт тармоқларини янада модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмларини ошириш, шунингдек тижорат банкларининг балансида бўлган корхоналарни кейинчалик реализация қилиш учун инвесторларни жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 14 февраль,  
ПФ-4602-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2014 йил 14 февралдаги  
ПФ-4602-сонли Фармонида  
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритиладиган қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053-сонли Фармони 2-бандининг тўртинчи хатбоши «қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сонли фармойиши билан тасдиқланган Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига аукцион ва тендер савдолари орқали сотиш тартибида:

а) 4-бандининг тўртинчи хатбоши «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 57-бандининг биринчи хатбоши «бозор нархида» сўзларидан кейин «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» сўзлари билан тўлдирилсин.